

**Лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича  
ШАРТНОМА №64844**

2022 йил «19» апрель

Жиззах шаҳри

Жиззах вилоят хокимлиги ягона буюртмачи хизмати “Жиззах миңтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор Ш.Анорбоев, бир томондан, ва **YO'L LOYIHA BYUROSI MCHJ** (кейинги уринларда «Ижрочи» деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи Жиззах филиали бошлиғи Р.Иброхимов иккинчи томондан, мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

**1. Шартнома предмети.**

1.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи Буюртмачининг топшириғида белгиланган шартларга мувофиқ **Мирзачул т "Гулзор" МФЙ Тойлоксой кучасининг** амалдаги қонунчиликнинг ишларнинг шундай турига кўйладиган талабларига жавоб берадиган ва фойдаланиш учун яроқли бўлган шахарсозлик ҳужжатларини (бундан кейинги матнларда “Лойиха” деб номланади) ишлаб чиқиш мажбуриятини, Буюртмачи эса техник топшириқ ва бирламчи маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул килиш ва тўлаш мажбуриятини зиммасига олади

1.2. Хизматлар курсатиш муддати:

Ишни якунлаш: 7 (етти) кун.

**2. Шартнома бўйича ишлар қиймати ва хисоб-китоблар тартиби.**

2.1. Мазкур шартнома бўйича ишлар қиймати танлов комиссиясининг 2022 йил 14-апрелдаги № 64844-сонли мажлис баённомаси қарорига асосан КҚС билан **7497000 (етти миллион тўрт юз тўксон етти минг)** сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати очикдир. Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумати қарорига асосан ҳамда вазиятлар, материаллар нархлари, ишга ҳақ тўлаш шартлари тубдан ўзгарганда ва бошка харажатлар туфайли ишлар қиймати мазкур шартномага қўшимча битим тузиш йўли билан ўзгартирилиши мумкин.

2.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар қийматини тўлаш Буюртмачи томонидан Ижрочининг хисоб ракамига пул ўтказиш йўли билан куйидаги тартибда амалга оширилади:

- мазкур шартнома имзолангандан кейин бир ой давомида ишлар қийматидан 30% олдиндан тўлов;
- кейинги тўловлар – босқичма-боскич, Лойихани қабул килиш-топшириш юк хати имзолангандан сўнг 60 кун давомида, Лойихани асосланган рад этиш хати йўқ бўлган тақдирда.

2.4. Буюртмачи молия органи томонидан молиялаштириш очилмаганлиги сабабли олдиндан тўловни ўтказиш мажбуриятини бажармаса, Ижрочи қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.5. Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган тақдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

**3. Ишларни топшириш-қабул қилиш тартиби.**

3.1. Объект бўйича лойихалаш ишларини бошлаш санаси сифатида куйидаги талабларни бажариш санаси хисобланади:

3.1.1. Лойихалашга топширикни қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқлаш ва келишиб олиш;

3.1.2. Тасдиқланган лойихалашга топшириқга ҳамда лойихалаш ишларини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларга мувофиқ буюртмачи лойихалаш учун зарур бўлган бирламчи маълумотларни тақдим қилиши;

3.1.3. Томонлар мазкур шартномага қўшимча ёзма битим тузиш йўли билан юкоридаги талабларни бажариш учун кетадиган вақтга мутаносиб равишда лойихалаш ишларини бажариш календар муддатлари сурилиши мумкин.

3.2. Ишлар тугаллангандан сўнг Ижрочи тайёр Лойихани ёки унинг қисмини Буюртмачига юк хати бўйича топширади, лойихалашга топширик ва мазкур шартнома шартларида кўзда тутилган Лойихани топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим қиласди.

3.3. Буюртмачи Лойихани олганидан кейин куйидагиларни амалга оширишга мажбур:

3.3.1. Лойихани топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаганидан кейин 30 кун давомида Лойихани олиш ёки олишни рад этиш ва Ижрочига рад этиш сабаблари кўрсатилган хатни юбориши;

3.3.2. Лойихани олишни рад этиш сабаблари кўрсатилган хат Ижрочига юборилгандан сўнг иккитомонлама далолатнома ёки қўшимча ёзма битим тузилади. Қўшимча ёзма битимда лойихадаги камчиликларни бартараф этиш ишлари рўйхати ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади.

3.3.3. Буюртмачи Лойихани олишдан бош тортса (Лойихани топшириш-қабул қилдалолатномасини имзоламаса), рад этиш сабаблари күрсатилган хатни Ижрочига юбормаса, Лойихада Буюртмачига тақдим этилган вактдан бошлаб унга топширилган хисобланади.

3.3.4. Агар Буюртмачи Лойихани текширмасдан қабул қилған бўлса, кейинчалик Лойихада шартномадан четланишлар ёки бошка камчиликлар борлигини аниқласа, бундай камчиликларни Лойихани қабул қилаётгандан аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин качиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддатда ёзма равишда огохлантириши ва камчиликларни киска муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

#### 4. Томонларнинг хуқук ва мажбуриятлари.

4.1. Буюртмачининг мажбуриятлари:

4.1.1. Лойихани тайёрлаш учун зарур бўладиган лойихалашга топшириқ ва бирламчи маълумотларни Ижрочига тақдим қилади.

4.1.2. Мазкур шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ишлар кийматини Ижрочига тўлаб беради.

4.1.3. Ижроидан олинган лойихадан факат мазкур шартномада кўзда тутилган мақсад учун фойдаланиш, лойихани учинчи шахсларга бермаслик ва Ижрочининг розилигисиз ундаги маълумотларни ошкора қилмаслик.

4.1.4. Зарурат туғилганда лойихани тегишли давлат органлари ва фукарорларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келиши учун Ижрочини жалб этиш.

4.1.5. Бирламчи маълумотларни ўзгартириш ёки Ижрочига боғлиқ бўлмаган бошка вазиятлар туфайли пайдо бўлган кўшимча харажатларни қоплаш (мазкур масала юзасидан томонлар дастлаб ўзаро келишиб ва кўшимча битимни имзолашгандан сўнг).

4.1.6. Тайёр лойиханинг камчиликлари сабабли учинчи шахс томонидан Буюртмачига тақдим қилинган даъво бўйича жараёнда иштирок этиш учун Ижрочини жалб қилиш.

4.2. Ижрочининг мажбуриятлари

4.2.1. Лойихани ишлаб чиқиш учун Буюртмачи томонидан тақдим қилинган лойихалашга топшириқ ва бирламчи маълумотлардаги талабларга риоя этиш, уларга мувофиқ ва ўзи шахсан лойихалаш ишларини бажариши, белгиланган тартибда муаллифлик назоратини олиб бориш ва ҳар 15 кун муддатда мунтазам равишда Буюртмачига маълумот бериш;

4.2.2. Буюртмачи томонидан тақдим этилган хужжатларда хато ва камчиликлар борлиги аниқланса, Буюртмачини шу тўғрисида зудлик билан ўрнатилган тартибда огохлантириш, Буюртмачидан кўрсатмалар олингунча ишни тўхтатиши. Буюртмачини ўз вактида огохлантирмаган Ижрочи келгусида Буюртмачи томонидан даъво қилинганда хужжатларда хато ва камчиликлар борлигини рўяқ қилмаслиги керак.

4.2.3. Лойихани тегишли давлат органлари ва фукароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишида Буюртмачи билан биргаликда иштирок этиш.

4.2.4. Мазкур шартномада белгиланган муддатда сифатли, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талаблари ва шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартибини белгилайдиган бошка конунчилик хужжатларига жавоб берадиган тайёр Лойихани Буюртмачига топшириш.

4.2.5. Лойихана ишлаб чиқилишини учинчи шахсларга бермаслик.

4.3. Буюртмачи куйидаги хуқуқларга эга:

4.3.1. Лойихадан фойдаланиш давомида унда камчиликлар борлиги аниқланса, Ижроидан куйидагиларни талаб қилиш:

- Ижрочи Лойихадаги камчиликларни ўз хисобидан талаб қилинадиган муддатларда бартараф қилиши;
- шартномавий кийматни шунга мувофиқ микдорда камайтириш;
- Ижрочи Лойихадаги камчиликларни ўз вактида бартараф этмаганлиги сабабли Буюртмачининг пайдо бўлган молиявий заарларини қоплаш;
- Лойихадаги камчиликлар жиддий ва уларни бартараф қилиш имконияти йўқ бўлса, Буюртмачи шартномани бекор қилиши ва барча кўрилган молиявий заарлар копланишини Ижроидан талаб қилиш.
- «Ижрочи» ташкилотнинг айби билан лойиха хужжатларига кушимча иш хажмлари ва харажатар аниқланган тақдирда «Уздавархитекткурилиш» кумитасининг 24.06.2008 йилги 50-сонли бўйруги билан тасдилангандан ШНК 1.03.01-08 нинг 1.13.-банди З-хатбошига асосан Бажарувчига туланган сумма тулик Давлат бюджети фойдасига олиб куйилади.

4.4. Ижрочи куйидаги хуқуқларга эга:

4.4.1. Буюртмачининг ёзма рухсати билангина лойиҳалаштиришга топширик ва бирламчи маълумотлардаги талаблардан чекиниш.

### 5. Томонлар жавобгарлиги.

- 5.1. Томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун амалдаги конунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.
- 5.2. Лойиҳа Буюртмачи томонидан кабул қилингандан кейин Ижрочи кафолатли муддат давомида (10 йил) Лойиҳанинг дастлабки камчиликлари ва Лойиҳадан фойдаланиш мобайнида аниқланган камчиликлари учун жавобгардир. Шунингдек, ушбу камчиликларни ўз хисобидан бартараф қилиши, агар камчиликларни бартараф қилиш имконияти бўлмаса, Буюртмачининг заарларини тўлаб бериши керак.
- 5.3. Ижрочи Лойиҳадаги камчиликлар учун (ушбу камчиликлар аниқланган вақтга боғлиқ бўлмаган холда) қўйидаги ҳолларда жавоб бермайди:
  - Буюртмачи Ижрочи билан келишиб олмасдан лойиҳалаш мобайнида Лойиҳага қўйилган талаблардан чекинса ёхуд лойиҳалашга топшириқдаги бирламчи маълумотларни ўзгартирса;
- 5.4. Молия органи томонидан молиялаштириш очилган бўлса ҳам Буюртмачи лойиҳалаш ишларини ўз вактида молиялаштирумаса, ҳар бир кечикирилган кун учун ўтказилмаган тўлов суммасидан 0,4 % микдорида пеня тўлайди, лекин пеня микдори ўз вактида ўтказилмаган тўлов суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.
- 5.5. Ижрочи лойиҳалаш ишларини ўз вактида бажармаса, ҳар бир кечикирилган кун учун бажарилмаган ишлар суммасидан 0,5 % микдорида пеня тўлайди, лекин пеня микдори ўз вактида бажарилмаган ишлар суммасининг 50 % дан ошмаслиги керак.
- 5.6. Пеня ва заарларни тўлаш шартномани бузган тарафни шартномадаги мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.
- 5.7. Томонлар молиявий мажбуриятларни зиммаларига олмаган шарти билан, биринчи томонни иккинчи томонни 30 кун аввал ёзма равишда огоҳлантириб, мазкур шартномани муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.
- 5.8. Шартнома муддатидан илгари бекор қилингандан ҳолда, шартномани бекор қилиш ташаббус билан чиқкан томон иккинчи томонга мазкур шартнома бўйича ишлар қўйматидан 10 % микдоридан жарима (неустойка) тўлайди.

### 6. Махфийлик.

- 6.1. Ҳар бир томоннинг фаолияти ёки томонлар билан боғлиқ шахснинг фаолияти тўғрисидаги ошкора қилинмайдиган барча маълумотлар махфийдир. Томонлар бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкора кильмасликлари, мазкур шартномани бажариш билан боғлиқ мақсадлардан бошқа мақсадлар учун фойдаланмасликлари керак

### 7. Шартномани ўзгартириши ва тугатиш.

- 7.1. Мазкур шартноманинг 10.1-пунктида кўрсатилганидек, шартнома муддати тугаши билан томонларнинг шартномадаги мажбуриятлари тугайди.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги ёзма келишувига асосан шартнома ўзгартирилиши ёки муддатидан илгар тугатилиши мумкин.
- 7.3. Мазкур шартномага қўшимча битим ёки келишмовчилик баённомаси қўринишидаги ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда қилингандан ҳамда томонлар (ёки томонлар номида вакиллар) имзоланганидан кейин юридик кучга эга бўлади.
- 7.4. Конунчиликда ёки мазкур шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам мазкур шартнома ўзгартирилиши ёки тугатилиши мумкин.
- 7.5. Шартнома кучда бўлишини тугатиш томонларни шартномани бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

### 8. Низоларни хал этиши.

- 8.1. Мазкур шартноманинг матнида ечимини топмаган масалалар бўйича томонлар ўртасида пайд бўлиши мумкин бўлган низолар ва турли талқинлар амалдаги қонунчилик асосида музокарала ўтказиш йўли билан хал этилади.
- 8.2. Музокаралар ўтказиш йўли билан низолар хал этилмаса, ўрнатилган тартибда низолар Жиззат туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

### 9. Форс-мажор.

9.1. Кўзда тутилмаган ва келиб чиқишини бартараф этиб бўлмайдиган фавқулодда хусусиятга эга форс-мажор вазиятлари пайдо бўлганда томонлар мазкур шартномадаги мажбуриятларини бажармаганлари учун жавобгар эмасдиirlар.

Фавқулодда вазиятлар сифатида қўйидагилар тушунилади: табиий талофатлар, ёнгин, сув тошқини, шторм, уруш ва уруш харакатлари, қамаллар, қўзголонлар, саботаж, миллатчилик тусга эга ғалаёнлар, эмбарго, давлат органларининг таъкиқлашлари ва шартнома тузилганидан кейин пайдо бўлган томонлар назоратидан ташқаридаги бошқа вазиятлар.

9.2. Форс-мажор вазиятлари пайдо бўлиши муносабати билан мазкур шартномадаги томонлар мажбуриятлари бутунлай бажарилмаса ёки кисман бажарилса, мажбуриятларни бажариш муддатлари бундай вазиятлар таъсири этиши вактига мутаносиб равишда узайтирилади.

## 10. Бошқа шартлар.

10.1. Мазкур шартнома вилоят Фазначилик бошкармасидан электрон тарзда руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга кадар ёмал килади.

10.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди. битта нусхаси Буюртмачида, битта нусхаси Ижрочида сақланади.

## 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

БЮОРТМАЧИ:

“Жиззах миңтақавий йўлларга буюртмачи  
хизмати” ДУК

Манзил: Жиззах шаҳри. Маданият  
махалласи. Пахтакор кучаси 10 уй  
Ш/х: 304521860084017045129118280  
ИНН: 304 897 494, МФО ОКЭД: 71 120  
Ўзбекистон Республикаси Молия  
Вазирилиги Фазначилиги  
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент  
шахар Бош бошкармаси Ҳисоб-китоб-касса  
маркази (ХҚКМ)  
МФО 00014 ИНН 2011029919

Директор  Ш.Айборбоев

## ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хulosаси шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги хамда низоларнинг хал этилиши тартиби амалдаги конунчилик талабларига мослигини беради.

Хукукий экспертиза натижасига кура қўйдагилар аникланди:

1. Шартнома лойихаси Узбекистон Республикасининг амалдаги конунлари талабларига мувофик тузилган. Такдим этилаётган пурдат шартномаси шартлари конунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар кандай холат Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 686-708-моддалари хамда “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбурятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

“Жиззах МЙБХ” ДУК

Бош юристконсультанти:



Ф. Кулматов

# “ТАСДИҚЛАЙМАН”

Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси директори



Ш.Анорбоев

2022 йил

“Жиззах минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонаси танлов комиссиясининг ўтказилган энг яхши таклифни танлаш натижалари бўйича танлаш иштирокчилардан шикоят тушмаганлиги тўғрисида

## БАЁННОМА № 14Й

“19” апрель 2022 йил

Жиззах шаҳри

### КОМИССИЯ ТАРКИБИ

- |                           |                                |
|---------------------------|--------------------------------|
| 1. Саримсоқов Шароффиддин | Бош мухандис, комиссия раиси   |
| 2. Шойматов Санжар        | Булим бошлиги, котиб           |
| 3. Умурзаков Шодиёр       | Бош хисобчи, комиссия аъзоси   |
| 4. Кулматов Фарход        | Юрист, комиссия аъзоси         |
| 5. Жумаев Саидахмад       | Булим бошлиги, комиссия аъзоси |
| 6. Боймурадов Шавкат      | Булим бошлиги, комиссия аъзоси |

### КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА :

Ўзбекистон Республикасининг давлат харидлари тўғрисида 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ-684-сонли конунига асосан 2022 йил 14-апрелда электрон тизим оркали ўтказилган энг яхши таклифни танлаш натижалари мухкамаси тўғрисида

ЭШЛИЙЛДИ : Танлов комиссияси раиси Ш.Саримсоқов сўзга чиқиб давлат харидлари электрон тизими оркали

Лот раками	Объект номи	Буюртмачининг таклиф нархи	Танлаш ғолибининг таклиф нархи
1	2	3	4
22110012065319	Янгиобод т Дустлик МФЙ Богистон кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	11 752 000	11 516 000
22110012065302	Фориш т Нурак МФЙ корахон кишлогига чикувчи йулнинг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	19 281 000	19 270 000
22110012065281	Фориш т Сайд МФЙ Болалар оромгохига борувчи йулнинг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	8 099 000	8 080 000
22110012064886	Янгиобод т Сармич КФЙ Искандар кишлоги кучасини лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	17 225 000	16 880 000
22110012064871	Янгиобод т "Шодлик" МФЙ Юксалиш 4 кучасини лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	12 362 000	12 114 000

22110012064870	Фориш т "Кизилкум" МФЙ Эрали кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	8 099 000	8 080 000
22110012064861	Пахтакор т Пахтакор КФЙ Гулбахор С.Айний ва Каршиев книнг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	9 783 000	9 587 000
22110012064856	Пахтакор т "Мингчинор" МФЙ Тумарис к Тумарис I книнг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	7 695 000	7 541 000
22110012064844	Мирзачул т "Гулзор" МФЙ Тойлоксой кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	7 650 000	7 497 000
22110012064813	Янгиобод т "Совот" МФЙ Совет КФЙ Чаманзор кучасини лойиха смета хужжатларини тайёрлаш	15 105 000	14 802 000
22110012064796	Мирзачул т "Гулзор" МФЙ Айдаркул кучасининг лойиха смета хужжатларин тайёрлаш	8 540 000	8 369 000

юкорида кўрсатилган объектлар буйича лойиха смета хужжатларин тайёрлаш учун "Yol-loyiha byurosi" МСНJ ғолиб деб топилди, Танлов аъзоларидан 2 (икки) кунлик муддат ичida танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушган ёки тушмаганлигини хакида сўради.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзолари Ш.Умурзаков, Ф. Қулматов, С.Жумаев, Ш.Боймурадовлар сўзга чикиб танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътиrozлар тушмаганлигини ўз сўзларида маълум қилди.

Билдирилган фикр мулохазаларни инобатга олиб комиссия  
**КАРОР ҚИЛАДИ:**

Мазкур танлашда давлат харидлари электрон тизими оркали ғолиб деб топилган "Yol-loyiha byurosi" МСНJ билан шартнома имзолансин.

1. Саримсоқов Шароффиддин
2. Умурзаков Шодиёр
3. Қулматов Фарход
4. Жумаев Саидахмад
5. Боймурадов Шавкат

The image shows five handwritten signatures in blue ink, each consisting of two parts: a first name and a last name. The signatures are placed directly above their corresponding numbers and names listed in the previous block. The signatures are somewhat stylized and overlapping.